



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 6 октябрь, № 193 (5108)

Чоршанба

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш 16,9 фоиз, хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортди.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чоралар натижаларидан ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,8 фоиз ўсиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Кегейли туманидаги "Давлат" фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодий-иқтисодий барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва галлчиликда эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини боришлардан бўлиб бажарган Орол бўйи миришкорларини самимий табриклади.

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тўхталар экан, таъминот масаласига яна бир бор эътибор қаратди.

— Дехқонга зарур шароит



яратиб бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади, — деди Ислам Каримов. — Уруғлик, ёқилғимойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, ҳеч қимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тои-фадаги раҳбарлар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Мақсадимиз биз қураётган ҳуқуқий-демократик жамиятни, яъни адолатли давлатни янада мустақамлашдан иборат, — деди Президентимиз. — Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу назоратни тўғри йўлга қўйсак, шу йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлиси миқдорида айтган мақсадларимизга алоҳида эътибор берилсин.

Юртбошимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар хусусида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатнинг

генфондини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган юксак самаралар тўғрисида сўз юритди. Истиқлол йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга етгани ана шундай самаралардандир.

Президентимиз Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланганини, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайганини, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминидagi учрашувда бу долзарб масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

Орол тақдирини — миллион-миллион инсонлар тақдирини демакдир, — деди Ислам Каримов. — Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, қорақалпоғистонлик олим Файратдин Хўжалиев, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий тадқиқот

институтининг лаборатория мудири Узокбой Айтжанов, Нукус шаҳридаги 1-академик лицей ўқитувчиси Пошшагул Камолова ва бошқалар Орол-бўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Кегейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гўшти қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди. "Кегейли бўя" Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган, аҳолига 30 хилдаги қолбаса маҳсулотлари етказиб бераётган мазкур кичик корхона ишга туширилди. Муносабати билан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Корхонага хорижий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда кунига 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Компьютерлар ёрдамида бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияси, асосан, ёшлар томонидан юритилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётган. Корхона таъсисчиси — "Абил-боғ" фермер хўжалигида айни кунларда бўрдоқчилик комплекси барпо этилмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгилашмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга қўрқ бағишлаб турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожини, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз шаҳар марказий майдоннинг умумий кўри-нишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос дархат кўчатлари ўтказиш, ландшафт дизайнини устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий таълим стандартлари асосида илм-фан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносига талабалар учун барча қўлайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётини инновацион технологияларга тасаввур қилиб бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари мўжассам экани Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгилашмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга қўрқ бағишлаб турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожини, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз шаҳар марказий майдоннинг умумий кўри-нишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос дархат кўчатлари ўтказиш, ландшафт дизайнини устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий таълим стандартлари асосида илм-фан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносига талабалар учун барча қўлайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётини инновацион технологияларга тасаввур қилиб бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари мўжассам экани Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Олим ТУРАҚУЛОВ,
Аминбой ОРТИҚБЕКОВ,
ЎЗА маҳсул муҳбирлари,
Фарҳод ҚУРБОНОВ
олган сурат.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Маҳаллий хом ашёдан сифатли маҳсулот

НАМАНГАН. Чуст туманидаги "Мармар Ф" қўшма корхонасида деворни безатишда фойдаланиладиган 5 турдаги майдаланган мармар ишлаб чиқарилаётганига кўп бўлгани йўқ.

Ички бозорда ўз ўрнини топган ушбу маҳсулотга хорижда ҳам талаб ошиб бормоқда. Хусусан, бу ерда жорий йилнинг ўтган даврида 520 миллион сўмлик ана шундай қурилиш хом ашёси тайёрланиб, шундан 65,5 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Инвестиция шарофати

ФАРҒОНА. Марғилон шаҳридаги "Оршах текстиль" қўшма корхонасида 5 миллион АҚШ долларлик инвестиция ҳисобига Италиядан пайпоқ тўқиниға мўлжалланган замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.

Натижада бу ерда йилига 8 миллион жуфт пайпоқ тўқиш имконияти юзага келди. Шунингдек, 100 дан ортқ қўшмиға иш ўрни яратилди.

Н. СОБИРОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Экспортбон газламалар кўпаймоқда

СИРДАРЁ. Янгиер шаҳридаги "Кармента-Янтек" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи газламалар ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда.

Жумладан, бу ерда жорий йилнинг ўтган 8 ойида ички бозорга 1 миллиард 668 миллион сўмлик газлама чиқарилиб, 656 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Тадбиркорнинг тадбири

АНДИЖОН. Тадбиркор Усмонали Тешабоев қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган "Ифтихор люкс" корхонасини ташкил этганига хали кўп бўлгани йўқ.

Шунга қарамай, бу ерда тайёрланаётган қурилиш материалларига ички бозорда талаб ортиб бормоқда. Айни пайтда 25 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кунига 500 тагача томёкчи материаллари ҳамда 100 квадрат метр ҳажмидаги йўлакча плиталари ишлаб чиқарилмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Чехия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКISTON — ЧЕХИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Анжуманда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эри-

шилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Форумда чехиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг муҳим йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар, "Навий"

эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги кенг имкониятлар билан таништирилди.

— Чехия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор, — деди Чехия Республикасининг Савдо ва саноат вазирлиги департаменти директори Мартин Поспишил. — Мамлакатимизда хорижий ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун яратилган қўлай шароит ва кенг имкониятлар чехиялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга бўлган эътиборини кучайтирмоқда.

Ўзбекистон — Чехия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ва

иқтисодий зонасидаги кенг имкониятлар билан таништирилди.

— Чехия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор, — деди Чехия Республикасининг Савдо ва саноат вазирлиги департаменти директори Мартин Поспишил. — Мамлакатимизда хорижий ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун яратилган қўлай шароит ва кенг имкониятлар чехиялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга бўлган эътиборини кучайтирмоқда.

Ўзбекистон — Чехия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ва

эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги кенг имкониятлар билан таништирилди.

— Чехия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор, — деди Чехия Республикасининг Савдо ва саноат вазирлиги департаменти директори Мартин Поспишил. — Мамлакатимизда хорижий ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун яратилган қўлай шароит ва кенг имкониятлар чехиялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга бўлган эътиборини кучайтирмоқда.

Ўзбекистон — Чехия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ва

ИЗЧИЛЛИК — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ривожлантиришдаги роли нихоятда катта бўлиб, улар вилоят, туман ва шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этишда ҳам фаол қатнашадилар.

Айни чоғда маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз электорати номидан қонун, фармон ва қарорлар ҳамда умумдавлат ва маҳаллий депутатлар ижроси юзасидан депутатлик назоратини ўрнатилиш миллий қонунчилигида белгилаб берилган.

Утган давр мобайнида Сенат томонидан тузилган ишчи гуруҳ ва комиссия савъ-ҳаракати билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада жонлантириш, уларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан

ИЗЧИЛЛИК — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

қўллаб-қувватлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, депутат, маҳаллий Кенгаш ҳамда доимий комиссияларнинг

қўллаб-қувватлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, депутат, маҳаллий Кенгаш ҳамда доимий комиссияларнинг

қўқуқи, ваколати ва мажбуриятлари ҳамда бу борада тўпланган халқаро тажрибаларга бағишланган семинар-тренинглар уюштирилди. Буларнинг барчаси маҳаллий Кенгашлар мавқеи мустаҳкамланиб, депутатларнинг

янада фаоллашишига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтмоқчимиз. Масалан, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг 2010 йил бошида тасдиқланган иш режасига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида унга яқин сессия ўтказилди. Уларда қонунлар ва умумдавлат ҳамда ҳудудий дастурлар ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикамизда аҳоли бандлиги даражаси 2,7 фоиз ошди.

Меҳнат бозорига фаол сиёсат юритилгани соҳада шундай ўсиш суръатини таъминлади.



БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

(Давоми 2-бетда).

ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР ЭЪТИРОФИ

Бугун дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни самарадор ташаббуслар ижодкори сифатида яхши билади. Молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам юртимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берган тараққиётнинг "Ўзбек модели", минтакавий ва глобал миқёсда барқарорлик, экологик хавфсизлигини таъминлашга йўналиштирилган пухта механизмлар нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, Президентимиз раҳнамоллигида мамлакатимиз мустақил ички ва ташқи сиёсат стратегиясини юритишда катта ютуқларга эришди. Бунда асосий эътибор тинчликпарварлик ва инсонпарварлик омилга қаратилаётгани бугунги мураккаб замона янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги алий мажлисидаги нутқида ана шу жиҳатларнинг ёрқин ифодасини топди. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда долзарб бўлиб турган муаммоларининг самарали ечимини билан боғлиқ тақлифлари кўзга кўринган сиёсатчилар, мутахассислар ва ташкилотлар томонидан яна бир бор юксак баҳоланди.

Шу ўринда минтакавий хавфсизликка эришиш, бу йўлда Афғонистонда бир неча ўн йилдан бери давом этаётган урушни ҳарбий йўл билан эмас, балки тинч йўл билан ҳал этиш бўйича илгари сурилган гоа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

— Ушбу йўللardan бири, — дея таъкидлаганди Президентимиз ўз нутқида, — бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда тақлиф этилган БМТ шафелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонлик

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қиладилар.

лар ўз мамлакатини муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагини таъминлаш мақсадларига бағишланган олий даражадаги алий мажлисидаги нутқида ана шу жиҳатларнинг ёрқин ифодасини топди. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда долзарб бўлиб турган муаммоларининг самарали ечимини билан боғлиқ тақлифлари кўзга кўринган сиёсатчилар, мутахассислар ва ташкилотлар томонидан яна бир бор юксак баҳоланди.

Шу ўринда минтакавий хавфсизликка эришиш, бу йўлда Афғонистонда бир неча ўн йилдан бери давом этаётган урушни ҳарбий йўл билан эмас, балки тинч йўл билан ҳал этиш бўйича илгари сурилган гоа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Кискача айтганда, давра суҳбатига Юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб сўзлаган нутқида тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, хавфсизлигини таъминлаш, шу қаторда, экологик хавфларни бартараф этиш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш бўйича ҳар томонлама асосли фикрлар баён қилиниб, аниқ тақлифлар ўртага қўйилгани, мазкур нутқ дунё жамоатчилиги томонидан кизгин муҳокама этилаётгани ҳақида кенг ва атрофлича тушунча берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, олий ўқув юрти ўқитувчи ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда реклама бозорини ривожлантириш, унинг иқтисодий ётадиган тўғри йўналишда алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Буни кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, юртимизда реклама бозори тобора ривожланмоқда. Хусусан, бугунги кунда ушбу хиз-

мат тури билан шуғулланаётган субъектлар сони 1040 дан кўпроқ бўлиб, уларнинг 250 таси реклама агентлиги эканлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Аммо соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан "Реклама тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилиши билан боғлиқ 333 та ҳолат аниқланган бўлиб, уларнинг 118 таси тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимлик-

лар билан шўғулланаётган субъектлар сони 1040 дан кўпроқ бўлиб, уларнинг 250 таси реклама агентлиги эканлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Аммо соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан "Реклама тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилиши билан боғлиқ 333 та ҳолат аниқланган бўлиб, уларнинг 118 таси тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимлик-

РЕКЛАМА ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда мазкур масалалар ҳусусида сўз юритилди. "Реклама соҳасининг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва вазифалар" мавзусидаги ушбу тадбирда янги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳусусида ҳам қатор мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат миллий аънавалар ва ахлоқнинг умумэтироф этилган нормаларига тўлиқ мос келиши баробарида, ноҳалол рекламанинг олдини олиш механизмини такомиллаштириш ҳамда дунё ҳамжамияти томонидан спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш каби ижтимоий хавфи юқори бўлган иллатларга қарши кураш доирасида амалга оширилаётган тадбирларни янада кучайтириш имконини яратди. Эндиликда реклама тарзида берилаётган ахборотнинг маъносини бузувчи ёки истеъмолчиларни қалбга ташвиқ қиладиган тарзлари ибораларни


қўллаш, унда реклама қилинаётган маҳсулот ҳақида давлат идораси томонидан "маъқулланган" ёки "таъсирга эга" қабилда ахборот бериш ҳам ман этилади.

Шунингдек, тамаки ва тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликларни реклама қилиш мақсадида бепул тарқатиш, бундай маҳсулотлар тасвири туширилган товарларни сотиш, биноларнинг олд қисми, кириш жойи, пешлавлари ёки савдо мажмуаларининг бошқа жойларига ушбу маҳсулотларнинг номини ёзиш, тасвирдан фойдаланиш ҳам тақиқланади.

Бу турдаги маҳсулотларнинг аҳоли соғлиғига етказадиган зарари ва бошқа салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, Қонуннинг алғоқли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида реклама қилишни тақиқлашга қаратилган нормаларини мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот қилишга ҳам келишиб олинди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокр ХУДОЙШУКУРОВ.



Ўзбек ва озарбойжон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари ўзоқ асрларга бориб тақалади. Халқларимизни ўзаро яқин миллий аънавалар, урф-одатлар, тил, маданият ва диний қадриятлар бирлаштириб туради.

ОЗАРБОЙЖОНДА ЎЗБЕКСТОН ЁШЛАРИ КУНЛАРИ

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, бу алоқалар янги бошқича кўтарилди. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро келишувлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, шу йилнинг 27-28 сентябрь кунлари Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев расмий ташир билан мамлакатимизда бўлди. Ташир асосида ўзаро ҳамкорлик ва иқтисодий алоқаларини кучайтиришга, дўстлик ришталарини мустақамлашга хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ёшларимиз фаолиятига ҳам яққол ифодасини топмоқда. Буни Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Озарбойжон ёшлар ва спорт вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик мисолида кўриш мумкин.

2002 йилнинг март ойида имзоланган мазкур икки ташкилот ўртасидаги келишувга биноан, доимий равишда ёшлар делегациялари алма-шинуви йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 27 — 30 сентябрь кунлари ана шундай тадбирлардан бири — Озарбойжонда Ўзбекистон ёшлари кунлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, мазкур тадбирда ёшлар ташкилотлари етакчилари ва фаоллари, ёш санъаткорлар, расомлар, хунармандлар ва дизайнлар иштирок этган.

Ўзбекистон ёшлари кунлари тадбирлари доирасида Озарбойжоннинг бир қатор олий, ўрта махсус ўқув юртилари, вазирилари ва ташкилотларида бўлган учрашувларда икки мамлакат ёшлар ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос қирралари, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, навқирон авлоднинг жамият фаолиятидаги иштирокини кучайтиришга оид ишлар бераётган юксак самаралар ҳусусида кенг маълумотлар берилган.

Тадбир доирасида ўзбекистонлик ёш хунармандлар ва дизайнларнинг ижод намуналари кўргазмаси, ёш ижрочиларнинг концерт дастури намойиш этилган.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

ЎЗБЕКISTON — ЧЕХИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

илмий-техникавий ҳамкорлик, сарможаларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қатор ҳужжатларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий этилган.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқти-

содий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр юритилди. Савдо, ёқилги-энергетика мажмуи, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, машинасозлик, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Чехия компанияла-

рини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўша корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Чехия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа ўтказилди.

Модина УМАРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

КЎРКАМ, МУСТАҲКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология жihatдан янгилаш, замонавий корхоналарни бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Натijaда иқтисодийнинг муҳим тармоғи — ишлаб чиқариш соҳаси жадал ривожланиб, нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки юртимизнинг олис қишлоқ ва овулларида ҳам илгор технологияларга асосланган корхоналар ишга тушириляпти.

Ўз навбатида ушбу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Негаки, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар жаҳон андозаларига мослиги, сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўляпти.

Ўрганч шаҳридаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Сомхозшифер" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти йўлга қўйилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу

ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ўз харидорларини топиб улгурди. Айни пайтда корхонадаги мавжуд цехлар хориждан келтирилган илгор технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда янги қувватлари ишга тушириш учун 1,2 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилди. Натijaда қўшимча 50 та иш ўрни яратилди. Лойиҳа тўла амалга ошгач, корхонада йилига 1 миллион 100 минг дона, бир кеча-кундузда эса 3000 дона шифер ишлаб чиқариш имконияти юзга келади. Шунингдек, қўшимча 20 та янги иш ўрни яратилади.

Интилиш

Технологияларимиз ихчам ва тежамкор, — дейди корхона раҳбари Х. Машарипов. — Бу эса электр энергияси ҳамда хом ашёни қувватлари ишга тушириш учун 1,2 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилди. Натijaда қўшимча 50 та иш ўрни яратилди. Лойиҳа тўла амалга ошгач, корхонада йилига 1 миллион 100 минг дона, бир кеча-кундузда эса 3000 дона шифер ишлаб чиқариш имконияти юзга келади. Шунингдек, қўшимча 20 та янги иш ўрни яратилади.

тежашда муҳим омили бўляпти. Натijaда маҳсулот таннархи нисбатан арзонлашди. Айни пайтда иш унумдорлигини оширишга ҳаракат қилаямиз. Эътиборли жиҳати, корхонамиз тўлиқ қувват билан ишлаб чиқаришга, вилоятимиз ва Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг шиферга

бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди. Яъни бу турдаги маҳсулотни четдан келтиришга ҳожаат қолмайди.

Айтиш жоизки, жамият фаолияти бошлагандан бунён ўтган икки ой давомида 400 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрланиб, вилоятдаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

Айни пайтда "Сомхозшифер" жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш устида изланишлар олиб бормоқдалар.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: ишчилар Равшанбек Абдиев, Камолбек Аҳмедов ва Худойберган Машарипов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Маҳаллада савдо мажмуаси

Хатирчи туманидаги Боғчалон маҳалласида тадбиркор Сайдулла Қобулов ташаббуси билан замонавий савдо маркази ишга туширилди.

700 миллион сўмлик маблаг ҳисобига барпо этилган ушбу марказ таркибидан савдо дўкони билан бир қаторда ўнлаб хизмат кўрсатиш шохбачалари ҳам ўрин олган. Ҳозир бу ерда 27 киши аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Ҳаном ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЗЧИЛИК — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳими, ҳар бир масала доимий комиссиялар таркибидagi депутатлар томонидан жойларда мутахассис ва экспертлар жалб этилган ҳолда ўрганилиб, Кенгаш муҳокамага киритилмоқда.

Бундай ижобий ҳолатларда Бухоро вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари қўша мажлисининг "Халқ депутатлари Бухоро вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ўз сайлов округлари худудда давлат ва худудий дастурлардаги чора-тадбирлар бажарилишини депутатлик назорати қилиш бўйича амалий ишлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, депутатлар

зиммасига аниқ вазифалар юклатилиб, ижроси изчил олиб бориляпти. Натijaлар эса чакки эмас. Ҳозирда Бухоро вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларида депутатлар фаолияти ҳақидаги ҳисоботни эшитиш йўлга қўйилган. Бу депутатлар масъулиятини оширишга, уларнинг худуддаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги фаоллигини кучайтиришга хизмат қилаяпти.

Умуман олганда, ўтган давр мобайнида халқ вакиллари фаолияти давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарининг қўша мажлисидаги ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг усту-

вор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида белгиланган берилган муҳим вазифаларни рўйга чиқаришга йўналтирилди. Мазкур вазифаларни қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида бажариш мақсадида ишлаб чиқариш вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2010 йил учун иш режаси ижроси депутатлар томонидан мунтазам назорат-тахлил қилиб бориляпти.

— Ҳар бир ҳужжат ижроси билан кучли, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати комиссиясига кўмаклашувчи вилоят ишчи гуруҳи раҳбари, сенатор З. Адизов. — Шу маънода, биз нафақат маҳаллий Кенгашлар, балки доимий комиссия ва депутатлар иш режасининг бажарилишини мунтазам монито-

ринг қилиб бораёямиз. Масалан, бундай мониторинглар чоғида туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан режада белгиланган сессияларнинг ўтказилгани, энг муҳими, уларда қўриб чиқилган масалаларни тайёрлашда доимий комиссиялар фаоллик кўрсатгани аниқланди. Умуман айтганда, доимий комиссиялар томонидан туман ва шаҳарлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган 600 га яқин масалалар атрофлича ўрганилган ҳамда комиссия йиғилишларида муҳокама этилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи қақриқ йиғирманчи ялпи мажлисида 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури маъқулланган эди. Мазкур ҳужжат-

чи, туман ва шаҳар Кенгашларининг ишчи гуруҳи ҳар ҳафта ушбу дастур ижроси бўйича соҳалар, корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриб бормоқда. Ўтган саккиз ой давомида дастур ижроси тўлиқ удалангани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Умуман, маҳаллий Кенгашлар депутатлариға худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, Юртбошимиз ташаббуси билан рўйга чиқарилаётган ислохотларда фаол иштирок этиши учун барча имконият ва ҳуқуқий асослар яратиб берилган. Энди ҳамма гал улардан унумли фойдаланиш, зиммаларидаги вазифа нечоғли масъулиятли эканини теран англаб этишда қолган, холос.

К. ХИДИРОВ, И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Машиналар қайтариб олинади

Германиянинг "BMW" автоконцерни 350 минг донна машинани қайтариб олишини маълум қилди.

Мазкур автомобиллар 2001 — 2009 йилларда ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг тўхтатиш тизимида нуқсон борлиги аниқланган. Табиийки, бундай камчиликка эга машинани бошқариш ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаётига жиддий ҳавф солади.

Бу хабар компаниянинг бўйсуса ҳам салбий таъсир этмасдан қолмади, албатта. Хусусан, унинг акциялари қиймати уч фоизга арзонлашди.

Захира миқдори маълум

Ироқнинг нефть захиралари 143,1 миллиард баррелга тенг экан.

Бу ҳақда "Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлиги мамлакат нефть саноати вазири Хусайн ал-Шахрестони берган баёнотга таяниб хабар тарқатди.

Шу тариқа Ироқ нефть захиралари бойлиги жихатдан жаҳонда учинчи ўринга чиқиб олган. Олдинроқ Нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) мазкур давлатнинг "қора олтин" захиралари 115 миллиард баррелга тенглигини маълум қилганди.

Ҳамкорлик иттифоқи тузилди

Буюк Британиянинг "British Airways" ва Испаниянинг "Iberia" авиакомпаниялари стратегик ҳамкорлик иттифоқи тузиш борасида келишиб олишди.

Унга кўра, компаниялар ушбу ойдан АҚШ ва Европа мамлакатлари бўйлаб парвозларни биргаликда амалга оширади. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, жорий йил апрелида "British Airways" ва "Iberia" ўртасида ҳамкорлик битими тузилганди. Ушундан мутасаддилар мазкур жараён йил охирига қадар ниҳоясига етишини билдиришганди.

Даромадини ошқор этди

"Financial Times" нашрининг ёзишича, дунёга машҳур мебель магазинлари тармоғи эгаси, Швециянинг "IKEA" савдо белгисининг даромади 11 фоизга ошган.

Муассаса ўтган йилнинг шу давридан ҳозиргача 2,5 миллиард евро қийматида соф фойда кўрган. Умумий савдо ҳажми эса 25 миллиард еврони ташкил қилган. Қизиқ жихати, "IKEA" шу пайтгача бирор марта бундай маълумотларни ошқор этмаган экан.

Ноқонуний маблағлар мусодара қилинди

Колумбия махсус хизмати ходимлари катта миқдордаги ноқонуний пуллар айланмасига чек қўйди.

Кўлга киритилган пул қиймати 29 миллион евро ва 17 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, улар гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўдалардан олиб қўйилган. Хабар қилинишича, сўнгги бир неча ҳафта ичида мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жиноий гуруҳларга қарши олиб борилган махсус операциялар чоғида 140 миллион АҚШ долларлик маблағ мусодара қилинган.

Муддат узайтирилди

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳри ва мамлакатнинг уч музофотида жорий этилган фавқулодда ҳолат яна уч ойга узайтирилди.

Ҳап шундаки, жорий йил апрель ойида бу ҳудудларда ҳуқуқматга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтганди. Юзага келган оммавий тартибсизликлар оқибатида қарийб 90 киши ҳаётдан кўз юмган, икки мингга яқин одам тан жароҳати олган эди. Шундан сўнг мамлакатнинг айрим ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий қилинган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

"...Чекиш соғлиқ учун зарардир". Бу оғохлантирувчи жумлага чекадиганларнинг ҳар куни кўзи тушади. Аммо унинг моҳиятига ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Саломатликка ундовчи, муқаррар ҳалокатдан оғохлантирувчи бу бонгни қалбга етказишда, аввало, кўзнинг вазифаси муҳим. Бироқ тамаки тутунидан хиралашган нигоҳлар учун мазкур сўзнинг қадру қиймати ҳам тамаки қутисидек аҳамиятсиз бўлса керак: сигарет тугаши биланоқ қути ҳам эзгилини ташлаб юборилади...

ОҚ ТУТУННИНГ ҚОРА КЎЛАНКАСИ

XI асрда инсоният бир қатор глобал муаммоларга дуч келди. Биргина ялли исш турли табиий офатларни келтириб чиқараётгани боис минглаб одамлар ҳаёти ҳавф остида қолмоқда. Мана шундай вазиятда инсон нафақат ўзини ўзи, балки табиати ҳам асраб-авайлаши ниҳоятда зарурдир. Аммо таассуфлар бўлсинки, бундай эзгулик ўрнига иллатларга ружу қўйиб авж олмақда. Шундай иллатлардан бири чекишдир. Чекишга муккасидан кетиш оқибатида одамзод ўз умрини ҳам ҳазон қилмоқда, шу билан бирга, келажакни ҳам ҳавф-хатарга қўймоқда.

Биласиз, бундан бир неча аср муқаддам сайёх Христофор Колумб Марказий Америкадан Европага номаълум ўсимлик баргини келтиради. Дастлаб унинг тутунини турли касалликларга дори деб, қуритилган барглари одамлар найча қилиб чекишга ўрганишди. Албатта, ўша пайтда бундай баргининг кунни келиб инсоният учун офат балосига айланишини ҳеч ким тасаввур қилмаган, тушуниб етмаган бўлиши мумкин. Ўсимлик Европада швед табиатшуноси Карл Линней томонидан хонакилаштирилган, ундан олинандиган моддага "никотин" деб ном берилди.

Бир қарашда оддий холга ўхшаб туюлган чекиш миллионлаб одамларнинг бошига етаётганини оддий назар билан илғаш қийин. Статистика маълумотларида келтирилишича, Ер юзиде ҳар йил уч миллиондан ортиқ киши чекишга ружу қўйиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмаркан. Яъни ҳар ўн уч сонияда бир киши, ҳар дақиқада эса беш киши кашандалик қурбони бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, келгусида тамаки чекиш 500 миллионга яқин кишининг бевақўлимига олиб келиши мумкин экан. 2030 йилга бориб эса бир йилда 10 миллионга яқин киши бунинг қурбонига айланиши маълум қилинган. Шу боис айни пайтда келиб ЖССТ кашандаликка қарши кенг курашни аллақачон бошлаб юборган. Бунга дунёнинг йирик ташкилотлари ҳам аралашаётганига эътибор қаратсақ, муаммонинг нақадар долзарблиги ойдинлашади. Масалан, 1999 йил 24 май кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси бир овоздан тамаки чекадиганларни назорат қилиш Конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича резолюция қабул қилди.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, тамаки нафақат чекадиганлар, балки чекемайдиغانларга ҳам катта зарар етказмоқда. Яъни ундан ажралиб чиқадиган тутун саратон, юрак, ўпка касалликларини келиб чиқишига замин яратлади. Ташвишли жихати, тутун болаларнинг респиратор касалликларини келтириб чиқаради ва бунинг натижасида янги туғилган чақалоқларда сурункали касалликлар ёки тўсатдан ўлим оқибатлари кузатилиши мумкин. ЖССТнинг маълумотига кўра, дунёдаги 700 миллион бола тамаки тутунидан зарарланган ва бугун улар бу иллатдан азият чекмоқда.

Қайсидир маънода тушунчага эгамиз. Унинг қандай оқибатларга олиб келишига ҳам идрокимиз етмади. Аммо айнан тамаки силга дучор қилишини била туриб уни эрмакка айлантириш таажжубланарлидир. Яна рақамларга мурожаат қилсак: сил касаллиги билан оғриган ҳар юз нафар одамнинг қарийб 80 таси ашаддий кашандалар ҳисобланаркан. Сил касаллиги кўкрак қафасида бўладиган оғриқ плевра бўлишида ва сатҳида экссудат (суюқлик) ҳосил бўлиши билан давом этадиган яллиғланиш натижасида пайдо бўлади. Бунинг таъсирида кўкрак санчиб оғриди. Исирта ўпка силнинг дастлабки белгиси бўлиб, бошланғич даврида ҳарорат 37,5 даража атрофида бўлади, у касалликнинг ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Алаоқибат, нерв тизимини ишдан чиқаради.

Фазлиддин АБИЛОВ.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ. ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «ROAD INTERNATIONAL Co., Ltd» КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ: HYUNDAI компаниясида ишлаб чиқарилган: экскаваторлар ва улар учун мосламалар; катта ҳажмли ва санчки мосламали юкловчилар; самосваллар, ёқилги ташувчи ва автокранлар; трейлерлар ҳамда совутқичли авторежераторлар; бетономиксерлар ва автобетононасослар. ҚАМДА муқим ва кўча шаклдаги: асфальт тайёрлаш заводи; бетон тайёрлаш заводи; тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи (100 - 600 т/соат). БУЮРТМА БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ. Миқдорларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз. Ваколатхона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germi» биноси. Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти. Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92. Жавобгар шахс — Дилмурод Убайдуллаев. Электрон почта: rico2008@mail.ru Веб-манзил: www.rico21.com

ТАШКИЛОТ иссиқхонада кичик ҳажмли гидропоника ва томчилатиб сугориш усули билан помидор етиштириш учун қуйдаги вақанг ўринларга. ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ: АГРОНОМ УРИНБОСАРИ: Номзодларга талаблар: қишлоқ ҳўжалиги бўйича маълумотга эга; иссиқхонада ишлашга имконияти бор; тунги сменада ишлашга имконияти бор; жавобгарлиқни ҳис қиладиган; барча билан мурося қила оладиган. БОШ ИНЖЕНЕР УРИНБОСАРИ: Номзодларга талаблар: умумий инженерлик маълумотига эга; корхонада электрик ёки теплотехник вазифасида ишлашга имконияти бор; тунги сменада ишлашга имконияти бор; жавобгарлиқни ҳис қиладиган; барча билан мурося қила оладиган. ИШЧИЛАР: Номзодларга талаблар: интизомлилик; иссиқхонада ишлашга имконияти бор; жавобгарлиқни ҳис қиладиган. Иссиқхона Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган. Қизиқиш билдирганлар фотосурат, паспорт нусхаси ва ўзлари ҳақидаги тўлиқ маълумотни қуйдаги электрон манзилга юборишлари лозим: texcorp@bk.ru

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган қуйдаги махсулотларни харидорларга такдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган). СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб. ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб. Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100. Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-88, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб. ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача; Бундан ташқари: ИИГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм. ҚАРБИД — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм. МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ. Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади. Юк ташувчи УАЗ-3303. Юк ва йўловчи ташувчи махсус УАЗ-39625. Қўшимча қабинали УАЗ-39094. УАЗ Hunter. УАЗ Patriot Limited. Фурион УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 МРV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади. Шунингдек, қафолатли техник хизматлар кўрсатилади. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси маъсул ходим Дилшодбек Абдураҳимовий Холдаралиевга онаси Баракахонов КОМИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббиёт бўюмлари сисёати маркази директори Муҳаббат Ибрагимовна волидан муҳтарамис ЗУДФИЯ ЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Бадий академияси Қамолитдин Бехзод номидаги миллий расмийлик ва дизайн институти жамоаси ўқув-методика бўлими бошлиғи Исроил МУХАММАДИЕВИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Спорт Sport Спорт

СЎНГИ ТУРЛАРДАГИ КИЗИНЛИК



Футбол бўйича Ўзбекистон олий лигасида галвир сувдан кўтариладиган палла тобора яқинлашмоқда. Шундан бўлса керак, жамоалар ўртасидаги рақобат турдан-турга кучайиб, бири-бирдан шиддатли ўйинлар сони кўпаймоқда. Бу эса томошабинлар учун айни мuddао бўлапти.

Ўтган ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ташкил этилган 22-тур ўйинлари юқоридаги фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

Чунонки, Қарши шаҳрида амалдаги чемпион «Бунёдкор» учинчи ўринга даъвогарлик қилаётган мезбон клуб «Насаф» билан учрашди. Кескин ва мурасасиз тарзда ўтган баҳс тақдирини пойтахтликлар ярим ҳимоячиси Тимур Қападзенинг киритган ягона голи ҳал қилди. Шундай қилиб, «қалдирғочлар» навбатдаги галабага эришиб, турнир жадвалидаги етакчилиكنи янада мустаҳкамлаб олдилар.

Пешқадамни таъбиб этиб келаётган «Пахтакор» эса нокулай рақибларидан бири «Олмалик»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Амалий жиҳатдан олий лигани мuddатидан олдин тарқ этиб улгурган «Хоразм» Урганча Муборакнинг «Машъал»га 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Колган ўйинларда куйидаги натижалар кайд этилди: «Нефтчи» (Фаргона) — «Кизилқум» (Зарафшон) — 4:2, «Металлург» (Бекобод) — «Андижон» (Андижон) — 2:1, «Шўртан» (Фузор) — «Навбахор» (Наманган) — 2:0.

22-турдан кейинги вазият:

Table with 7 columns: Rank, Team Name, Y, U, D, M, T-n, O. Lists standings for various football teams.

Тўпурақлар рўйхатини «динамо»чи Жаъфар Ирисметов 11 тўп билан бошқариб бормоқда.

М. САИДОВ тайёрлади.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Хитойнинг Зибо шаҳрида давом этаётган Осиё чемпионатида (U-19) қаторасига иккинчи галабани қўлга киритди ва мuddатидан олдин чорак финалга йўланма олди.

«В» гуруҳидан жой олган тендошларимиз иккинчи турда баҳраинлик юртдошлари билан куч синашди. Ушбу учрашув мурасасиз тарзда кешиши олдиндан тахмин қилинган. Сабаби иккала жамоа ҳам биринчи турда зафар кучганди. Бу сафар терма жамоамиз бош мураббийси Марат Кабаев учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумкор тактикадан фойдаланишни маъқул топди. Ёш футболчиларимизнинг кетма-кет ҳужумлари биринчи бўлимнинг 18-дақиқасида ўз самарасини берди. Иктидорли футболчимиз Павел Смольченко ҳамаси ўттиз метрлар масофадан тўпни дарвозага йўллаб ҳисобни очди — 1:0. Мазкур ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди. Шунингдек, ушбу гуруҳдан ўрин олган КХДР — Ироқ терма жамоалари ўртасидаги баҳс 3:0 ҳисобида аяқланди.

Кези келганда айтиш жоизки, ёш футболчиларимиз ўз галабалари билан миллий терма жамоамизнинг узок вақтдан буён сақланиб турган ноҳус аънанасига ҳам чек қўйишди. Айтиш жоизки, шу кунгача Ўзбекистон миллий терма жамоаси Баҳрайн футболчиларини мағлубиятга учратишини уddасидан чиқа олмаётганди.

Ҳозир «В» гуруҳида Ўзбекистон терма жамоаси 6 очко билан яққал пешқадам бўлиб турибди. КХДР ҳамда баҳраинлик футболчилар 3 очкодан жамғариб, иккинчи ва учинчи ўринларда боришмоқда. Ҳамюртларимиз учинчи турда ҳали бирорта очко тўплай олмаган Ироқ терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Чорак финалда вакилларимизга «А» гуруҳида етакчилик қилаётган Хитой ёки Саудия Арабистони терма жамоалари рақиб бўлиши мумкин.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Advertisement for 'OB-KHABO' (Об-Хаво) featuring a map of Uzbekistan and text about agricultural products and services.

«...Ақлимни танибманки, яхши одамлардан ибрат олиб яшашга интиламан. Тўғри, тақдир тақозоси билан болалиқда ота-онамдан етим қолдим. Аммо ўз уйимдек бўлиб қолган Мехрибонлик уйда тарбияланиб, у ердаги ғамхўр инсонларнинг самимий эътибори ва мурувватидан куч олиб униб-ўсдим. Улар менинг одобли, касбу корли, оқу қорани таниган инсон бўлиб етишишимда беминнат кўмаklarини аямдадилар.

Яқинда эса ҳаётимда унутилмас бир воқеа содир бўлди. Яъни мен ҳомий ташкилотлар кўмагида ўз уйимга эга бўлдим. Эндиликда барча зарур шарт-шароитлари бўлган тураржойда истиқомат қилаялман. Менинг кейинги тақдирим ҳақида ўз ота-онамдан зиёд қайғурган инсонлар олдида бир умрга қарздорман. Бундай яхшиликлар мени ҳамisha эзгуликка, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишга ундайди».

МУРУВВАТДАН БАҲРАМАНД ДИЛЛАР

Ушбу сўзлар Китоб тумани, Ўртачил қишлоғида туғилган Мусурмон Тўхлиевга тегишли. Тумандаги 5-Мехрибонлик уйида тарбияланган бу йигит Китоб ижтимоий хизмат касб-хунар коллежини тамомлаб, бугунги кунда ўз мутахассислиги бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг орзу-умидлари, амалга оширишни дилга туккан режалари бисёр. Навқирон йигит жамиятга нафим тегса, юрт равнақига ҳисса қўшсам, дея астойдил интилаётир.

Жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланган ёшларимиздан кўнглимиз тўк, — дейди Мехрибонлик уйи директори Тоштемир Сатторов. — Қарамогимиздаги фарзандларнинг ўқиши, касб-хунар эгаллаши, оила қуриши учун ҳомий ташкилотлар, саховатли кишилар яқинда ёрдам беришяпти. Айни пайтда муассасамизда 78 нафар бола тарбияланмоқда. Бу ерда уларнинг бошқа тенқурларидан кам бўлмай яшашлари, илм олиб хунар эгаллашлари учун барча шароит яратилган. Жорий йилда ҳам битирувчи бўлишлари, тўйларини ўтказишда бош-қош бўламиз.

Ўтиборлиси шундаки, вилоятдаги Мехрибонлик уйларида тарбияланган болалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамогидан махрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жойлар билан таъминланмоқда. Бугунги кунда мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вазийлик ва ҳомийлик ташкилотлари ҳамкорлигида ота-она қарамогидан махрум,

тураржойга эга бўлмаган 18 дан 23 ёшгача бўлган болалар аниқланди. Уларни уй-жой билан таъминлаш учун рўйхатга олиши, мавжуд тураржойлари сақлаб қолганини назорат қилиш режаси ишлаб чиқилди.

даги маийш шароитлар ёш оилалар яшashi учун мослаштирилмоқда.

— Энг муҳими, бугун Мехрибонлик уйида тарбияланган болалар оила бағрида вояга етаётган бошқа тенқурлари сингари инсонийлик илмидан сабоқ олиб, меҳр-оқибатга эш бўлиб, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга интиломоқда, — дейди Қамаш туманидаги 4-Мехрибонлик уйи директори Шарофат Шоймардонова. — Одатда, болаларимизда ёшлиқдан оилавий ҳаётга тайёрлик кўникмалари шакллантириб борилади. Уй-рўзгор юмушлари, байрам тантаналар, миллий қадриятларимизга асосланган маросимлар шу ёрнинг ўзида, болақонлар иштирокида мунтазам равишда ташкил қилинади. Қувончлиси, бундай тадбирлар ёшларимиз феъл-атворида меҳр-оқибат, бағрикенглик ва меҳмондўстлик сингари гўзал инсоний фазилатлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Дарҳақиқат, халқимизнинг бағрикенглик, меҳр-мурувват ва очикқўнгиллик хислатлари ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. Шу маънода, тақдир тақозоси билан оилавий муҳитдан айро яшаётган ўғил-қизларга таълим-тарбия беришда ҳам бардавом аъналаримизнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, қалбиди юртга садоқат, она-Ватанга муҳаббат туйғуси чуқур идиз отган бундай ёшлар вақти келиб бизнинг таянчимиз, суянчимиз ва ишончимизга айланадилар.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ.

Nestle Nestle Uzbekistan MChJ

Ўз офиси ва Тошкент шаҳрида қуриляётган заводи ходимлари учун умумий овқатланишни ташкил этиш бўйича корхоналар ўртасида танлов эълон қилади.

- Танловда иштирок этиш аризасига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим:
• юридик шахс уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
• юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
• умумий овқатланишни ташкил этишга рухсат берилган ҳужжатларнинг нусхалари;
• юридик шахс муҳри билан тасдиқланган корхона раҳбари ва бош бухгалтерини ишга тайинлаш бўйича тавсичиларнинг қарори (буйруғи);
• раҳбар ва бош бухгалтер паспортлари нусхалари;
• ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот: баланс, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, пул оқими ҳақида ҳисобот, дебитор/кредиторлар ҳақида маълумотнома, 2009 йил бўйича пул айланмаси ҳақида банк маълумотномаси, ариза бериляётган санагача картотека бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси.

Умумий талаблар:
• миллий ва Европа таомларини тайёрлаш;
• ошпазлар мутахассислик бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлишлари лозим;
• маҳсулотларни ташиш учун махсус транспорт (санитария паспорти билан);
• ишни ташкил этиш ва СанПИН 083 бўйича барча талабларни бажариш;
• ошхона ишини ҳафтада 7 кун суткасида 24 соат юритиш — сменали иш тартиби;
• ижрочи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сабзавот ҳамда ҳўл мевалар чиқиндиларини утилизация қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
• хизматлар таомлар ассортиментига кўра, буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги келишувга асосан кўрсатилади.

Овқатланишни ташкил этиш жадвали:
• кундузги смена — соат 12.00 дан соат 14.00 гача (ҳар кун) 90 киши;
• кечки смена — соат 20.00 дан соат 21.00 гача (ҳар кун) 20 киши;
• туниги смена — соат 04.00 дан соат 05.00 гача (ҳар кун) 20 киши.

Танловда иштирок этиш учун ариза беришининг сўнгги мuddати — 2010 йил 8 октябрь кунини кенгача.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юбориш лозим: Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳор 7-тор кўчаси, 9-уй.

Танлов ўтказилиши масалалари бўйича қуйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: (998-71) 140-06-00.

Мулоқот учун шахс — Альбина Бекметова, маъмурий масалалар бўйича мутахассис.

САҲНА БЕЗАКЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда «Theatre.UZ/2010» биринчи халқаро театр фестивали давом этмоқда.

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» иждоий ишлаб чиқариш бirlашмаси, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида ўтказилаётган «Theatre.UZ/2010» биринчи халқаро театр фестивали қизикarli маданий-маърифий тадбирларга бой бўлмоқда. Фестиваль доирасида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида театр декорацияси санъатига бағишланган бадий кўрғазма ташкил қилинди. Унда пойтахтимиз театрларида фаолият кўрсатаётган расомларнинг иждоий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Кўрғазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатини янада ривожлантириш, иждокорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляётгани таъкидланди. Спектаклларнинг бадий ва гоёвий пишиқ-пукталигини таъминлаш, асар мазмун-моҳиятини томошабинга тўла етказишда театр декорацияси иждоқорлари — расомлар меҳнати алоҳида ўрин тутади. Мазкур кўрғазмада Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқали драма театри, Республика ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон ёшлар театри, Республика кўйрчоқ театри каби иждоий жамоаларда фаолият кўрсатаётган постановкачи-расомлар, сценографлар томонидан яратилган саҳна безаклари, декорациялар, эскизлар, картина ва фотосуратлар билан таъничиш мумкин.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Advertisement for 'LOK KOLOR SINTEZ' featuring a logo and text about 'DEFLAM' — ENFIN DAND KHIMOYA QILISH VOSITASI.

Advertisement for 'SONATA' car by Hyundai, featuring an image of the car and text: 'Ўз йўлингни танла! Drive your way'.

Advertisement for 'TOY-TERA AGROMAX' MChJ featuring images of agricultural products and text: 'Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беради'.

CEMENT (шл400 кд20) 182,3 ▲ +4,3 CEMENT (шл400 д20) 195,7 ▼ -1,8 АРМАТУРА 2685,0 ▲ +114,1 ШИФЕР (1 лист) 14113 ▲ +132 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' featuring a logo and text about MUASSISLAR.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ' featuring a logo and contact information.

Advertisement for 'Тахрирнинг келти қўлдамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди'.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй'.